

Институт талабаларининг Тошкент шаҳар, Асака кўчасини асфальт қилиш ишларида қатнаш жараёни.



Тошкент автомобиль йўллари лойihalаш, қуриш ва эксплуатацияси институти "Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотларни қуриш" факултетининг 50 дан ошиқ талабалари- бўлгуси йўлчилар билан Қўмита раҳбарияти ўртасида ноананавий учрашув ўтказилди. Ёш йўлчилар иштирокида Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Асака кўчасида 1,2 км йўлни асфальтлаш ишлари амалга оширилди. Бунда ёш йўлчилар теодолит, нивелир, шагомер ва махсус термометрларнинг реал шароитда ишлаш жараёни билан танишдилар ҳамда бевосита асфальт ётқизиш, уни зичлаш ишларида иштирок этдилар.